Ушбу сонда:
2 *Қизил Ярим Ой жамиятларида* МЕҲР ҚОЛУР, МУРУВВАТ ҚОЛУР
3 TV — ДАСТУРИ
4 *«Ишонч» бонг уради* ЛОҚАЙДЛИК оқибатида айрим боғчалар ҳувиллаб қолди

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 16 август, жума №131 (1348)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

КЎЛ СОҲИЛИДА КОЛЛЕЖ

Термиз туманидаги Учқизил кўли соҳилида қурилаётган янги педагогика коллежида шу кунларда пардозлаш ва ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Мазкур касб-ҳунар маркази мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилади. Коллежда олти йўналиш бўйича 600 талаба таҳсил олади. Ҳозирда коллежга талабалар қабул қилиш, педагогик жамоани шакллантириш ва бошқа ташкилий ишлар қизғин давом этмоқда. «Сурхонсувқурилиш» тресті қурувчилари бу ерда ўқув биносидан ташқари 100 ўринли ётоқхона, 300 ўринли мажлислар зали, устахона, ошхона, спорт зали ва бошқа қўшимча иморатларни ҳам қуриб битказишмоқда.

(ЎзА).

ЭНГ УЛУҒ БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗҒИН

Вазирлар Маҳкамасида Мустақилликнинг ўн бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Бош вазир ўринбосари, мазкур комиссия раиси Ҳ.Кароматов бошқарган мажлисда байрам тантаналарига тайёргарлик жараёни ва бу борада жойларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муҳокама этилди.

Ўзбекистон халқ шоири А.Орипов мамлакатимизнинг мустақиллик майдонида ўтказиладиган асосий тантаналар сценарийси ҳақида ахборот берди.

Байрам томошалари дастурида истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, юртимиздаги бунёдкорлик ишлари, тинчлик ва фаровонлик йўлида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимиз сиймоси юксак бадиий ифодалар воситасида акс эттирилади. Санъатимизнинг янги-янги қирралари намоён бўлади, ёш истеъдодлар кашф этилади, улуғ айём мазмун-моҳиятига мос замонавий куй-қўшиқлар, рақслар яратилади.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан байрам дастурида инсон қадр-қиммати, кекса авлодга кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром, ўзбекона бағрикенглик ва меҳрибонлик, миллатлараро тотувлик каби қадриятларни тараннум этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бу йил Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги ҳамда Нукуснинг 70 йиллиги кенг нишонланади. Байрам дастурида ушбу саналарга ҳам алоҳида эътибор берилади. Майдонга ўрнатилган улкан экранда истиқлол йилларида мамлакатимизда қўлга киритилган ютуқлар намойиш этилади.



Байрам тантаналари ер сунъий йўлдоши орқали элликдан зиёд мамлакатга тўғридан-тўғри узатилади.

Мажлисда вилоятларда ҳам истиқлол байрамини юқори савияда ўтказиш учун барча чора-тадбирларни кўриш зарурлиги уқтирилди. Ҳокимликлар, алоқадор ташкилотларга тегишли топшириқлар берилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Мелибоев иштирок этди.

(ЎзА).

ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Гулистонда спортнинг миллий турлари ҳамда «Алпомиш» халқ ўйинлари бўйича Қарияларни қадрлаш йили ва Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган 3-республика фестивали бўлиб ўтди.

Мазкур фестивалда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 17 ёшдан 60 ёшгача бўлган 200 нафардан зиёд спортчи қатнашди. Фестивалнинг икки куни давомида иштирокчилар халқ спорт ўйинларининг «Елкада кураш», «Тош кўтариш», «Хўрозлар жанги», «Тортишмачоқ» каби ва бошқа турлари бўйича ўзаро мусобақалашди.

- Гулистонда бундай мусобақаларни ўтказиш учун яхши база бор, - дейди фестивалнинг бош ҳаками А.Маликов. - Барча жамоалар орасида Сурхондарё, Фарғона, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри вакиллари энг яхши тайёргарликка эга эканлигини намойиш этди.

Қадимги «Хўрозлар жанги» ўйинида иштирокчилар бир оёқда турган ҳолда, рақибини чизилган доирадан итариб чиқариши керак. Бу беллашувда сурхондарёликлар ғолиб чиқди. Қашқадарё вилояти спортчилари эса «Елкада кураш» мусобақасида биринчи ўринни эгаллади. «Тош кўтариш» баҳсида қорақалпоғистонлик Ержон Алмагамбетовга тенг келадигани топилмади. «Бўрон» ўйинида ҳам Сурхондарё вилояти вакиллари ғолиб чиқди.

Мусобақаларда умумжамоа ҳисобида Сурхондарё вилояти вакиллари биринчи, фарғоналиклар иккинчи, Тошкент шаҳри спортчилари учинчи ўринни эгаллади.

(ЎзА).

Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли бор

ДОРИЛОМОН КУНЛАР

қадрига етган кишининг ўзи ҳам қадр топади

Балиқчи туманида Фарҳод Акрамжонов деган киши яшайди. Унинг истиқлол берган неъматлар туфайли амалга ошираётган ишлари, юрт равнақига қўшаётган ҳиссаси-ю, аҳолини иш билан таъминлаш ва ночор оилаларга кўрсатаётган саховати ҳақида кўп, ҳам хўп гапириш мумкин.

Ўшанда у тумандаги қурилиш корхоналаридан бирида ишларди. Ҳукумат ташкилотлари учун замонавий уйлар қурилишида бош-қош бўлганлардан бири эса-да, аммо ўзи яшаётган уйи ночор, омонат ҳолда эди. Маблағи бўлса-да янги уй қуриб олишга юраги дов бермасди.

Дилида ўрнашиб олган ана шу фикрини қўшниси Адҳамжонга айтди.

— Ўз уйингда яшаб, нега ҳадиксирайсан, ахир бунинг нимаси ёмон, — дея уни қувватлади Адҳамжон ҳам. Таваккал, дея ғишт заводидан ўттиз минг дона ғишт сотиб олиб, янги уй қуришга киришди. Ҳамма машмаша шундан бошланди. Қурилиш бошламасданоқ гоҳ у ташкилотдан, гоҳ бошқасидан суриштиришлар, асаб бузишлар бошланди. Хуллас, Фарҳод аканинг саккиз ой турли идораларга бориб сўроқ берганлигини бу ерда истиқомат қилувчилар ҳали-ҳануз эслашади. Зеро, бундай аламли доғлар қайси ўзбек хонадонини четлаб ўтган, дейсиз... Мустақилликкина яхши ишлаб, ҳақиқий инсонлардек ғурур билан яшаш, мулкдор бўлишга имкон яратди.

Фарҳод Акрамжонов ҳам ана шу шукуҳли кунлар қадрига етиб тўкинчилик манбаини таъминлашга ҳисса қўшаётганлардан бири.

У асос солган Балиқчи туманидаги «Паҳлавон» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси Истиқлол тенгдоши. Тўғриси, ишни ташкиллаштириш осон кечмади. Ғишт ишлаб чиқариш заводини қуриб, уни юритиш, керакли дастгоҳларни келтириш ва мутахассисларни тайёрлаш — буларнинг барчаси маблағ билан боғлиқ эди. Аммо ишлаш иштиёқи бўлса, иш ҳам бўйсунаркан.

Дастлаб 40 нафар ишчини жалб этиб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилгач, йил охирида самара чакки бўлмади. Сарҳисобда 1,5 миллион дона қурилишбоп маҳсулот аҳолига арзон нархларда етказиб берилди. Даромад ҳам шунга яраша бўлди.

Лекин бу иштиёқи баланд тадбиркорни қониқтирмасди. Шу боис корхонани кўп тармоқлилик асосида юритиш саъй-ҳаракати устида изланди. Ва бунга эришди ҳам. Саккиз йил аввал корхона фаолиятини кенгайтириб, фойда ҳисобидан учта ғишт ишлаб чиқариш заводи, асфальт ва оҳак цехлари, шишани ҳамда ёғочни қайта ишлаш цехларини ишга туширди. Шунингдек, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари — савдо расталари, транспорт тармоғи, дорихона, гилам тўқиш цехлари фаолият кўрсата бошлади.

Корхона кенгайгач, ишчи кучига ҳам эҳтиёж сезилиши турган гап. Бироқ ҳеч ким мутахассис бўлиб туғилмайди. Хўш, нима қилмоқ керак? Қишлоқ хўжалигида тадбиркорликнинг ривожланганлиги ва экин майдонлари ижарачиларга бўлиб берилганлиги ортиқча ишчи кучини ана шу жойлардан олиш имконини берди.

Даставвал уларга дастгоҳларда ишлашни ўргатди. Хонадонларда бекор ўтирган хотин-қизларни тўплаб гилам тўқиш сир-синоатидан огоҳ этди. Бахтига бу иш унчалик қийин кечмади. Айни пайтда «Паҳлавон» номли хусусий ишлаб чиқариш фирмасига қарашли ғишт заводларида 186 нафар, гилам тўқиш цехида эса 100 нафар киши меҳнат қилишаяпти. Умуман олганда 350 нафарга яқин киши ўз тақдирини ушбу фирма билан боғлаган. Биргина ғишт ишлаб чиқариш заводларида йилига ўн беш миллион дона сифатли маҳсулот тайёрланиб, аҳолига етказиб берилаяпти. Ёки 350 минг тонна асфальт, 500 минг тонна оҳак ва 50 хилдан ортиқ шишадан тайёрланган миллий санъат маҳсулотлари нафақат балиқчиликларга, балки Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида истиқомат қилаётган юртдошларимизга ҳам ҳавола этиляпти.

Шунингдек, «Паҳлавон»да ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан аҳоли уй-жой қурилишлари қаторида Куйганёрдаги касб-ҳунар коллежи, Андижон, Пахтаобод, Шаҳрихон, Улуғнор каби туманлардаги касб-ҳунар коллежлари ва Марҳамат туманидаги академик-лицей бинолари бунёд этилди.

Яна бир жиҳати — бу ерда ишнинг илмий асосда ташкил этилганлиги маҳсулот ишлаб чиқаришда сарф-харажатларнинг камайишига имкон берди. Меҳнат қилаётганларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам шунга яраша. Чунончи, ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 70 минг сўмни ташкил этади. Боз устига кунига 1000 сўмлик бепул иссиқ овқат берилади.

«Паҳлавон» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси жамоаси бозор шароитида кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш ва бошқа саховатли ишларда ҳам туманда алоҳида ўрин тутади. Яъни иккита мактаб, шифохона, 30 нафар ногиронни оталиққа олган. Жорий йилда шифохона, мактаб ва болалар боғчаси юз фоиз жамоа ҳисобидан таъмирланди.

Ёки шу кунгача кам таъминланган оилаларнинг 50 нафар фарзандининг суннат тўйи ўтказилиб, уларнинг ҳар бири номига банкда ҳисоб рақами очилди.

Қарияларни қадрлаш йилида жамоа яна бир ташаббус бошлади. Уларнинг саъй-ҳаракати билан тумандаги 40 нафар ёлғиз қарияларнинг уйлари таъмирлаб берилди ва ҳар бирига 10 минг сўмдан пул улашилди. Улар яшаётган кўчалар асфальтланиб, ичимлик сув ва табиий газ билан таъминланди.

Ёшлар тарбияси ҳам жамоанинг доимий эътиборида. Ҳозирги кунда фирма ҳомийлик қилаётган ҳар иккала илм даргоҳида ихтисослашган спорт иншоотлари мавжуд бўлиб, юз нафардан ортиқ ёшлар бўш вақтларида спортнинг дзюдо, каратэ, бокс ва миллий кураш турлари билан шуғулланишмоқда. Керакли маблағ ва спорт буюмлари тадбиркорлар ҳисобидан.

Мустақилликнинг 11 йиллиги олдидан «Паҳлавон» жамоаси аҳоли талаб-эҳтиёжидан келиб чиқиб яна бир хайрли ишни поёнига етказди. Яъни Оҳангарон туманида кунига 50 минг дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган заводни қуриб, ишга туширди. Демак, энди оҳангаронликларнинг ҳам ана шу маҳсулотга бўлган талаб-эҳтиёжи қондирилади.

Балиқчидаги «Паҳлавон» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси фаолияти хусусида хўп ва кўп ёзиш мумкин. Кўрдикки, ота-боболаримиздан мерос қолган тадбиркорлик ва ишбилармонлик ақидалари истиқлол берган неъматлар боис, қайта сайқал топаётир.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Бозор иқтисодиёти ва банк

КРЕДИТ: БУ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

тадбиркор учун эса кенг имконият

Бозор иқтисодиёти шароитида янги корхоналарни ташкил этиш, борларини банкротдан сақлаб қолишда кредит катта аҳамиятга эга. Ривожланган мамлакатлардаги «Мерседес бенц», «Кока-кола», «Женерал моторз», «ДЭУ», «Тойота» каби саноат дарғалари ҳам кредит ҳисобига янги ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Шундай экан, мамлакатимиз, вилоятларда бу аҳвол қай даражада, деган савол туғилади. Бошқача айтганда, республикамиз тижорат банкларининг ҳозирги кунда олиб бораётган кредит сиёсати жаҳон андозалари талабларига жавоб берадими, ё йўқми? Биз ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида «Пахтабанк»нинг Андижон вилоят бошқармасида бўлдик.

Андижоннинг бошқа вилоятлар ўртасида тутган ўрни, салоҳияти тўғрисида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча. Вилоятнинг пахтачиликда, ғаллачиликда, умуман қишлоқ хўжалигида эришган ютуқларига ҳамма ҳавас билан қарайди. Чет эл инвестицияларини киритиб, қўшма корхоналар қуриш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича ҳам андижонликлар бошқаларга ўрнак кўрсатиб келмоқда.

Бошқарма ўтган ярим йилликнинг ўзида халқ хўжалигининг барча соҳаларига 4 миллиард 215 миллион сўм кредит ажратди. Шунинг асосий қисми, яъни 4 миллиард 140 миллион сўми банкнинг ўз маблағи ҳисобидан бўлди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, пахта-саноат тизимларидаги корхоналарга берилган қарзлар шулар жумласидандир. Вилоят аҳолисини 12 хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда бошқарманинг ҳиссаси катта бўлди. «Ўзбекбирлашув», «Андижонсавдо» тизимидаги ва хусусий савдо корхоналарга берилган бир миллиард сўмга яқин кредит фикримизнинг яққол далилидир.

Қўшма корхоналар иқтисодиётининг ривожланишида замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқариб, экспорт имкониятларини кенгайтириш муҳим омил ҳисобланади. Буни ўз вақтида тушунган банк ходимлари ушбу соҳага катта эътибор қаратмоқда. Мисол учун вилоятдаги «Бунёд-М» қўшма корхонаси томонидан бунёд этилаётган фабрика қурилишини молиялаштириш учун 6 ой мобайнида 328 миллион сўм миқдорида узоқ муддатли қарз ажратилди. Ушбу корхонага 1996 йилдан бошлаб берилган кредит миқдори эса 1 миллиард 315 миллион сўмни ташкил этди.

(Давоми 2-бетда).



Мамлакатимизда хорижий инвестициялар иштирокида барпо этилаётган саноат корхоналарининг сони кун сайин ортиб бормоқда. Энг замонавий технологиялар асосида жиҳозланган бундай корхоналар халқимиз эҳтиёжини қондириш, янги иш ўринларини яратиш билан бир қаторда мамлакатимиз саноати салоҳиятини ўстиришда муҳим аҳамиятга эга.

Наманган шаҳридаги «Нестле» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси фаолият кўрсатаётганига ҳали кўп вақт бўлмаган эсада у нафақат мамлакатимиз аҳолиси учун, балки, қўшни республикалар эҳтиёжи учун ҳам сифатли маҳсулотлар етказиб бермоқда.

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.

Ш.ОЛИМОВ
(ЎзА) олган суратлар.

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Улғайиб келаётган авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялаш ишига нафақат давлат идоралари, балки юртимизда фаолият юритаётган халқаро ва жамоат ташкилотлари ҳам яхши ҳисса қўшмоқда.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг бу борада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги яхши самара бермоқда. Жумладан, Германиянинг «Пис виллаж интернейшнл» халқаро ташкилоти билан узоқ муддатга тузилган ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома аҳамиятлидир. Айтиш жоизки, ушбу халқаро ташкилот бугунги кунда дунёнинг йигирма бешдан кўпроқ давлати билан ўзаро алоқа боғлаган. У ривожланаётган мамлакатларда истиқомат қилаётган 12 ёшгача бўлган бемор ва ногирон болаларни даволаш, соғлиғини қайта тиклашга кўмаклашмоқда.

Мазкур шартномага мувофиқ мамлакатимизда истиқомат қилувчи ана шундай болалар Германияда даволаниши мумкин. Ушбу хайрия тадбирининг биринчи босқичида ўн нафарга яқин бемор бола Дюссельдорф шаҳрига жўнатилди. Улар уч ой мобайнида малакали шифокорлар ёрдамида даволанади.

(ЎзА).

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ПОЙГА БОШЛАНДИ

Маълумки, яқинда Олмония бундестагига сайловлар бўлиб ўтади. Унда қатор партияларнинг номзодлари иштирок этадилар. Олмония Социал-демократик, мухолифатдаги Христиан-демократик иттифоқ, Эркин демократлар, Консерваторлар ва бошқа партиялар шулар жумласидандир. Шунинг учун бўлса керак, кўпроқ овозга эга бўлиш мақсадида номзодлар ўртасидаги пойга деярли уч ҳафта олдин бошланди. Оммавий ахборот воситалари фикрича, асосий кураш ОСДП ва консерваторлар партияларининг номзодлари — Олмониянинг амалдаги канцлери Герхард Шрёдер ҳамда консерватор Эдмунд Штойбер ўртасида бўлади.

КОЛУМБИЯДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ

Кейинги кунларда Колумбияда сиёсий-ижтимоий вазият кескин ёмонлашди. Шу боис, президент мамлакатда уч ойлик фавқулодда ҳолат эълон қилди. Аввал хабар берганимиздек, барқарорликнинг бузилишига президент Альваро Урибенинг инаугурацияси пайтида рўй берган портлаш ва тўс-тўполонлар сабаб бўлган эди. Маъмурлар тартиб ўрнатиш чора-тадбирларини кўраётган бўлса ҳам тинч ҳаёт изга тушмаётир. Ўшандан буён ҳукуматга қарши радикал гуруҳлар юз нафар кишидан кўпроқ одамнинг ёстиғини қуритдилар.

МАШЪУМ ҚИСМАТ

Халқаро террорчиликка қарши кураш бошланганидан сўнг Афғонистонда ҳукмронлик қилаётган «Толибон»чилар ва бу ерда қўним топган жиноятчи ташкилот — «Ал-Қоида» малакесарлари қўшни давлатларнинг ҳудудларига қочиб ўта бошлади. Уларнинг айримлари Эронда бошпана топдилар. Яқинда Эрон томони ана шундай жиноятчи жангарилардан 16 кишини Саудия Арабистонига топширди. Тергов пайтида қўлга киритилган ахборотлар эса АҚШ махсус хизмати маҳкамаларига ҳавола этилмоқда.

ҚАРОҚЧИЛАР ҲУЖУМИ

Сомали қароқчилари Буюк Британия байроғи остида сузаётган кемани куч билан босиб олдилар. Унинг экипажи асосан украинлардан иборат эди. Ўзларининг кимлигини билдирмаган нобакорлар гаровга олинган 6 нафар денгизчи учун 1 миллион АҚШ доллари миқдорида тўлов талаб қилмоқдалар. Боз устига, босқинга учраган кеманинг номи ҳам ҳанузгача номаълум бўлиб турибди. Чунки, қароқчилар на ўқишни, на ёзишни билмас эканлар.

АЖАЛ ОЁҚ ОСТИДАМИ?

Бразилияда спорт самолётининг учувчиси ерга қўнаётиб, фожеа содир этди. У тажрибали бўлишига қарамасдан, қўниш пайтида пасайиш ҳисоб-китобларини нотўғри чамалади. Натижада фойдаланилмайдиган эски учиш майдонида соғлиғи учун чопиш билан шуғулланаётган ёш аёлнинг ўлимига сабаб бўлди. Энди омадсиз учувчи суд олдида жавоб беради.

КРЕДИТ: БУ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ,

тадбиркор учун эса кенг имконият

(Боши 1-бетда)

Ўтган давр ичида банк томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш ишлари амалга оширилди. Уларга жами 863 миллион сўмлик қарз берилди. Шунинг 788 миллион сўми бошқарманинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилди. Қолган қисми «Бизнес фонд», деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ва бандлик жамғармаси заҳираларидан олинди. Энг муҳими вилоятда 780 та янги иш ўринлари яратилди. Бугунги кунда ушбу қарзлар ўз самарасини бериб, тадбиркорлар томонидан 708 миллион сўмлик ҳаридорбоп маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Тадбиркорлар ишларини енгиллаштириш ва уларни ахборотлар билан таъминлаш мақсадида бошқарма ва унинг 17 та бўлимида ишбилармонлар бурчаклари ташкил этилган. Унда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, микрокредитлар бериш бўйича йўриқномалар, уларни расмийлаштириш тартиблари намуна нусҳалари акс эттирилган. Бундан ташқари, барча бўлимларда «Ишонч» телефонлари ишлаб турибди. Тадбиркорларнинг оғзаки мурожаатлари, кредит сўраб берган ёзма аризалари махсус китобларда қайд этиб борилмоқда. Бунинг натижасида тадбиркорлар кредитларни ҳеч бир тўсиқсиз олишмоқда. Масалан, Пахтаобод туманидаги «Набижон ота» фермер хўжалиги банкдан 3 йил муддатга, 10 фоиз тўлов асосида, 2,5 миллион сўм кредит олди. Фермер олган қарзларига қорамол сотиб олиб, ўтган уч ой ичида 1,5 миллион сўмлик гўшт маҳсулотлари етиштирди ва 4 та янги иш ўринларини ташкил қилди. Шу йил банк томонидан «Аср ишончи» хусусий фирмасига 5 фоиз тўлов асосида бир миллион сўм кредит берилганди. Қўрғонтепа тумани ўрамида фаолият кўрсатаётган бу тадбиркор ушбу маблағга макарон ишлаб чиқарувчи дастгоҳ сотиб олди ва шу кунгача 1,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Шу туманда жойлашган «Омад-III» фирмасига эса бошланғич сармояни шакллантириш учун бир миллион сўм қарз ажратди. Айни чоғда тадбиркор томонидан икки миллион сўмликка яқин қандолат маҳсулотлари тайёрланиб, савдо шоҳобчаларига етказиб берилди.

Бошқарманинг кредит бериш имкониятини кенгайтиришда аҳолининг бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Юртбошимизнинг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқиб аҳоли бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш бўйича жойларда тушунтириш ишлари олиб борилди.

Натижа ёмон бўлмади. Ярим йилликда жами омонатлар бўйича ўрнатилган режа 193 фоизга ошириб бажарилди. Яъни, 1 миллиард 200 миллион ўрнига 2 миллиард 312 миллион сўм нақд пул омонатларга жалб этилди.

Айни кунларда аҳоли пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш юзасидан ишлар янада фаоллаштирилмоқда. Аҳолининг кенг қатламларига мўлжалланган янги, манфаатли омонат турлари жорий этилмоқда. «Навниҳол», «Болалар келажагимиз», «Фаровонлик», «Пахтакор», «Оқ олтин», «Қариялар қадр-қиммати», «Она замин саховати» каби омонат турлари шулар жумласидандир. Оқибатда омонатчи ўз қуйилмаси ҳисобидан мўмайгина даромадга эга бўлмоқда.

Аҳоли бўш пул маблағларини жалб қилиш вилоятда нақд пул маблағларининг банкдан ташқарида айланишини ҳам қисқартириш имконини берди. Масалан, ярим йилликда банк кассаларига жами 22,6 миллиард сўм нақд пул маблағлари жалб қилиниб, бу борадаги режа 115,7 фоизга адо этилди. Эмиссия салмоғи эса 31,9 фоиз белгиланганди. Ҳақиқатда у 18,4 фоизни ташкил этди.

Банкнинг тадбиркор ва корхоналар билан амалга ошираётган юқоридаги кенг кўламли ишлари бу билан чегараланмайди. Чунончи, қишлоқ хўжалиги корхонларини техника ва эхтиёт қисмларга бўлган эҳтиёжи банк орқали қондирилмоқда. Мисол учун, ўтган давр ичида «Ўзқишлоқтаъминоттузатиш», «Ўзагрокимётаъминот» тизимидаги корхоналарга 892 миллион сўмлик факторинг хизмати кўрсатилди. Асака туманидаги «Довуд» фирмасига Олмонияда ишлаб чиқарилган «Доминатор-204 мега» русумли 2 дона ғалла ўриш комбайни лизинг шартномаси асосида олиб берилди. Бўз бўлимидаги «Янги турмуш» жамоа хўжалигига 10 миллион сўмликка яқин лизинг хизмати кўрсатилди. Натижада хўжалик ўзимизда ишлаб чиқарилган битта тракторга эга бўлди.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири.

Янгийўл шаҳридаги «Rossi S.A.LTD» Ўзбекистон-Болгария қўшма корхонаси қисқа давр ичида ўз маҳсулотлари билан мамлакатимиз бозорида истеъмолчилар эътиборини қозонди. Қарши, Шаҳрисабз, Тошкент шаҳарларида эса жамоанинг савдо филиаллари фаол ишлаб турибди. Ҳозирда корхонада 50 турдаги ширинликлар ишлаб чиқарилмоқда. Эндиликда жамоа ўз маҳсулотларини қўшни давлатларга экспорт қилишни режалаштирмоқда. Иш унумининг юқори бўлишини таъминлаш мақсадида ишчиларга барча шарт-шароитлар яратилган. Бепул тушлик, ходимларнинг келиб-кетишлари учун автотранспорт ташкил этилган.

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.
Ғ.ҲИДИРОВ
олган суратлар



МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ

Ислоҳот мевалари

Сир эмас, дастлабки бозор иқтисодиётига ўтиш даврида юртимиздаги кўпгина соҳалар, айниқса, ишлаб чиқариш корхоналари жиддий қийинчилик ва муаммоларга дуч келди. Лекин унинг асл моҳиятини тўғри англаб тадбиркорлик билан иш юритган жамоа янги-янги ютуқларни қўлга киритмоқда.

100 нафарга яқин ишчи-хизматчилари билан бозор шароитига мос товарлар ишлаб чиқараётган Янгиқўрғон туманидаги тикув-тўқув корхонаси ҳам ана шундай жамоалардан бири. Бугунги кунда мазкур фабрика маҳсулотларига бўлган талаб катта.

— Биз ўша ўтиш даври қийинчиликларини бошдан кечирган кезларимиздаёқ энди бозорларда фақат сифатли маҳсулотлар сотиш орқалигина ривожланиш, ўсишга эришиш мумкинлигини тушунгандик, -дейди тикув цехи бошлиғи Р.Тўхтасинова.- Шу боис, энг аввало, сара хомашёлар етказиб берувчи корхона ва фирмалар билан ҳамкорлик шартномалари туздик. Кейинчалик тежамкорликни ўйлаб бўёқ цехи ташкил этдик.

Бугунги кунда фабрика маҳсулотлари нафақат Наманган вилояти, Андижон, Қўқон, Тошкент каби катта шаҳарларда ҳам ўз харидорини топган. Сабаби жамоа доим янги-янги моделлар устида ишлайди. Бунда албатта ўз вақтида сифатли хом ашё етказиш билан бир қаторда ишчиларнинг маош, шароит, саломатлиги масаласида қайғураётган корхона раҳбариятининг ҳам хизматлари катта.

Ш. АКБАРОВА.

ДИЙДОРЛАШУВ

Шу куни Бухоро вилоят давлат муассасалари ва жамоат хизмат ходимлари касаба уюшма қўмитаси жойлашган бино чинакам байрам тусини олди. Соҳада узоқ йиллар сидқидил меҳнат қилиб, ҳозирги кунда қарилик гаштини сураётган отахону онахонлар, фаоллар, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари файзли даврага жамул-жам бўлишди.

Таббарук кишилар бир пиёла чой устида дийдорлашиб, мустақиллик йилларидаги ўзгаришлар, ҳукуматимиз кекса авлод кишиларига кўрсатаётган меҳрибонликлар, ижтимоий ҳимоя ҳамда ёш авлодни анъаналарга садоқат руҳида тарбиялаш хусусида гапирдилар. Бу борадаги тажрибалар умумлаштирилди. Эътиборлиси шуки узоқ вақт вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитасида етакчилик қилган, тиниб-тинчимас инсон Л.Ҳамидованинг табаррук 60 йиллик юбилейи ҳам ушбу тадбирга уланиб кетди.

Б.САИДОВ,
Бухоро вилояти давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма қўмитасининг бўлим мудири.

Қизил Ярим Ой жамиятларида

МЕҲР ҚОЛУР, МУРУВВАТ ҚОЛУР

Жаҳон Қизил Ярим Ой жамияти халқаро нуфузли ташкилотлардан бири ҳисобланади. Зеро, бу тизилма ходимлари дунёнинг турли минтақаларида хайрли ишлар билан шуғулланадилар, мушкул аҳволга тушган инсонларнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қиладилар. Шу маънода, Қизил Ярим Ой жамиятининг Самарқанд вилоят ташкилоти ишларини ҳам таҳлил қилиб кўришимиз мумкин. Ушбу бўлинма халқаро Қизил Ҳоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари билан яхши ҳамкорлик ўрнатган. Жамият ўз вазифаларидан келиб чиқиб, фавқулодда вазиятларда жабрланганларга дастлабки ёрдам кўрсатишни ўргатиш, ёлғиз кексалар, ногиронлар, кўп болали, кам таъминланган оилаларни тиббий ва моддий қўллаб-қувватлаш, ёшлар билан ишлаш, халқаро инсонпарварлик ҳуқуқларини тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Зотан, Президентимизнинг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг шу масалага бағишланган 2002-2003 йилларга мўлжалланган Дастури баайни юқоридаги масалаларни ўз ичига олганлиги ҳам бежиз эмас эди.

Жамиятнинг вилоят кенгаши таркибида фавқулодда вазиятлар ишларини мувофиқлаштирувчи ходимнинг фаолият кўрсата бошлаганлиги ҳам диққатга сазовордир. Унинг саъй-ҳаракатлари билан Ургут туманидаги Қўзичи, Оқтош, Қўшработ туманидаги Пичот қишлоқлари, Каттақўрғон шаҳри ва Булунғур туманларида фавқулодда вазиятларда аҳолига биринчи ёрдам кўрсатишни ўргатиш бўйича амалий семинарлар уюштирилди. Вилоят ҳокимининг «Самарқанд вилоятида санитария дружиналари ва санитария постларини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори асосида 685 та дружина ва 43 та пост вужудга келтирилди.

Халқимизда меҳр қолур, мурувват қолур, деган нақл бор. Меҳр-шафқат хизматини ҳамиша такомиллаштириш ташкилотимиз фаолиятининг доимий йўналишидир. «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан «Меҳр-шафқат гуруҳи» ҳамширалари сони 14 дан 18 нафарга, улар қарамоғидагилар 295 дан 338 нафар кишига етказилди. Тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ходимлари 44 нафар уруш ва меҳнат ногиронлари, 140 нафар ёлғиз кексалар, 111 та кам таъминланган оиланинг ҳолидан мунтазам равишда хабар олиб турибдилар. Жамият саъй-ҳаракати билан жойлардаги тиббий-ижтимоий марказлар ҳисобидан 12432, Олмония давлати Қизил Ҳоч жамияти томонидан 2782, Испания Қизил Ҳочи воситасида 336 нафар кишига тиббий ва моддий ёрдам кўрсатилганлиги ҳам одамларимизни мамнун этди.

Саховатли ишлар давом этмоқда. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти миллий кенгаши орқали Жанубий Кореядан келтирилган 35 миллион сўмлик кийим-кечаклар, «Саховат», «Мурувват», «Меҳрибонлик уйлари»да яшовчиларга туҳфа қилинди.

Жамиятимизнинг моддий-техникавий базаси тобора яхшиланиб, халқаро алоқаларимиз мустаҳкамланмоқда. Яқин пайтларда Эрон Қизил Ярим Ой жамиятининг тиббий-ижтимоий марказини ташкил этиш режалаштириляпти. Кенгаш қошида «Ёшлар маркази» фаолият кўрсатаяпти. Ҳар ойда икки марта олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари, болалар уйларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, гиёҳвандликка қарши кураш, турли зарарли диний оқимларни фош этишга қаратилган учрашувлар ва мулоқотлар уюштирилаётганлиги ҳам кўпчиликни жалб этмоқда. Хусусан, яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Тенгдош тенгдошга» семинари ташкил этилди. Халқаро Қизил Ҳоч қўмитаси ҳамда жамиятимизнинг вилоят бўлинмаси ташкил этган «Инсонлар ва урушлар» мавзуидаги суратлар кўргазмасини 20 мингга яқин кишилар томоша қилдилар.

Айни пайтда вилоятда жамиятимизнинг иккита шаҳар, 17 та туман кенгашлари, 879 та бошланғич ташкилотлари ишлаб турибди. Улар ўз сафларига 59958 нафар аъзони бирлаштирган. Гапни мухтасар қилиб айтганда, ишимизнинг кўлами кенг. Зотан, халқимизда яхши ишнинг чеки йўқ, деган мақол бор. Биз бундан буён ҳам ана шу ибратли ишларимизни кўпайтираверамиз. Зеро, одамларнинг оғирини енгил қилиш, қийналганларга меҳр-шафқат, ғамхўрлик кўрсатиш жамиятимиз вилоят кенгаши фаолиятининг асосий мазмунини ташкил этади.

М.МАМАДИЁРОВ,
Қизил Ярим Ой жамияти Самарқанд вилоят кенгаши раиси.

Қарор ва ижро

Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» ги 154-сонли қарорининг 3-бандида таъкидланганидек, товарларнинг мамлакатимиз худудига олиб кирилганлигини ва божхона тўловлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирдагина уларни сотишга рухсат берилади.

ТОВАРЛАРНИНГ ҲУЖЖАТИ ҚАНИ?

Қарор ижросини таъминлаш юзасидан ўтказилган семинар йиғилишларда, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларда бу ҳақда барча тадбиркор ва тижоратчиларга маълум қилинди. Шунга қарамай айрим жисмоний шахслар бозорларда ҳужжатсиз товарларни сотишни давом этмоқдалар. Солиқ хизмати ходимлари эса ҳужжатсиз ва рухсатсиз савдога қўйилган молларни сотувдан тўхтатишга мажбур бўлмоқдалар.

А.Икромов туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари яқинда «Карвон бозор» бўйлаб рейд ўтказганларида қурилиш моллари билан савдо қилаётган фуқаро М.Маҳкамовнинг ҳужжатлари билан қизиқишди. У хориждан келтирилган умумий нархи 1 миллион 175,5 минг сўмлик деворга елимланадиган гулли қоғозлар билан савдо қилаётган эди. Афсуски, М.Маҳкамов текширувчиларга сифат сертификатини ҳам, бож тўловлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ҳам кўрсатаолмади.

Автотранспорт воситаларининг эхтиёт қисмлари билан савдо қилаётган хусусий тадбиркор Қаҳрамон Хошимов ҳам солиқ хизмати ходимларини кўриб безовталана бошлади. Чунки у савдо қилаётган 50 турдаги 104 дона эхтиёт қисмнинг бирортасида ҳам сифат сертификати йўқ эди.

Андижон вилояти Хўжаобод туман давлат солиқ инспекцияси, туман прокуратураси хузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ва йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими ходимлари ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамаси қарори талаблари жойларда қандай бажарилаётганлигини ўрганиш юзасидан тезкор тадбир ўтказиб, катта миқдордаги ҳужжатсиз товарларни қўлга туширдилар. Хўжаобод туманида жойлашган 33-сонли экология постида Қўрғонтепа - Андижон йўналиши бўйлаб келаётган ВАЗ-2106 русумли давлат белгиси Ж-5471 ФЭ рақамли автомобил тўхтатилиб юкхонаси ва салони кўздан кечирилганида Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган турли хил матолар олиб келаётганлиги маълум бўлди. Суриштирув давомида бу матолар фарғоналик фуқаро Ҳакимахон Холиқовага тегишли бўлиб улар учун божхона ҳужжатлари расмийлаштирилмаган, бож тўловлари тўланмаганлиги аён бўлди. Ҳ.Холиқова сифати паст бу молларни Қирғизистон Республикасининг «Қорасув» бозоридан арзонгаровга сотиб олиб энди устама нархларда пуллаш учун Андижонга олиб кетаётган экан. Ички бозоримизни чет элларда ишлаб чиқарилган сифатсиз моллардан тозалаш учун қатъий кураш кетаётган ҳозирги пайтда Холиқованинг қонун-қоидаларга зид иш тутиши ғоят ажабланарлидир.

Фарғоналик Дилбар Эсонова эса сифат сертификатисиз 622 килограмм ўсимлик ёғини сотаётган пайтида қўлга тушди. Чет элларда тайёрланган бу ёғ Яйпан бозорига қандай йўллар билан келиб қолганлиги ҳозир суриштирилаяпти. Д.Эсонова Ўзбекистон туман хокимлигида хусусий тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган бўлса-да қилаётган ишлари ҳақиқий тадбиркорга ярашмасди. Текширув ўтказилган куни у сотаётган ҳужжатсиз 782 минг сўмлик ўсимлик ёғи далилий ашё сифатида олинди.

Тезкор текширувлар давомида кўпгина жойларда акциз маркасиз ва лицензиясиз спиртли ичимликлар билан савдо қилинаётганлиги ҳам аниқланди. Қўнғирот туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари деҳқон бозорида жойлашган «Лолита» хусусий дўконини текширувдан ўтказишганида сотувчи Амангул Айтбаева лицензиясиз 182,1 минг сўмлик спиртли ичимликлар ва акциз маркасиз тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиб ўтирган эди. «Бауне» хусусий дўкони сотувчиси Лолагул Сапарқулова 17,1 минг сўмлик акциз маркасиз «Пине» сигаретларини савдога чиқарибди. Ноқонуний йўллар билан олиб келинган бу маҳсулотлар қандай қилиб хусусий дўконлар пештахтасидан ўрин олганлиги ҳозир аниқланяпти.

Халол тадбиркорлик билан шуғулланиш учун кенг йўллар очилган ҳозирги пайтда тўғри ишлаб, тўғри яшаётган юртдошларимиз обрў-эътибор топаяпти. Шундай экан эгри йўлларга кириб ёмон отлиқ бўлмаган маъқул эмасми?!

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси.

TV дастури

19-25 август

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 19

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45 , 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Келажакка интилиб».
9.10 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.40 «Тўртинчи ҳокимият».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Тўтиқушли хоним». Бадиий фильм.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
11.55, 13.55 ТВ анонс.
Ёзги таътил кунларида «Болалар сайёраси»:
12.05 1. «Санъат ғунчалари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.05 Эстрада тароналари.
13.25 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Яккама-якка жанг». Спорт дастури.
14.30 Кундузги сеанс: »Онтарио соҳилидаги воқеа». Бадиий фильм.
16.00, 17.05 ТВ клип.
16.10 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
16.25 «Осори-атиқаларимиз».
16.45 «Кино оламида».
17.15 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
17.35 «Аския».
18.10 «Топилмалар идораси». Мультфильм.
18.25 Алпомиш ўйинлари Республика фестивали.
18.55 «Мулк».
19.10 Мусиқий танаффус.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон халқ ҳофизлари.
21.30 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».
21.50 «Спорт, спорт, спорт».
22.05 «Оқ йўл!» А.Ибодуллаев куйлайди.
22.30 «Мовий уммон қаърида». Телесериал.
23.20 «Ахборот - дайжест».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?»
10.20 «Мульттомоша».
10.50 Мусиқий лаҳзалар.
11.00 «Давр» ҳафта ичида.
11.30 «Минг бир кеча». Республика ёш томошабинлар театрининг спектакли.
12.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Сурхондарё вилояти. Видеофильм.
13.35 Сурхон наволари.
13.45 Давр-news.
14.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
14.55 Саломат бўлинг.
15.15 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
15.50 Оддий одамлар.
16.10 «Мимино». Бадиий фильм.
17.40 Кўрсатувлар дастури.
17.45 «Янги авлод» почтаси.
18.00 «Денгиз итлари». Мультсериал. 1-қисм.
18.25 Спорт ҳафтаномаси.
18.40 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Ёшлар овози.
20.00 Муҳаббат қўшиқлари.
20.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Жиззах вилояти. Видеофильм премьераси.
20.45 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.05, 21.40, 22.35 Эълонлар
21.10 «Эсмеральда». Телесериал.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида 23.50 Давр.
00.55 -1.00 «Хайрли тун!»

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Гиннес-шоу».
17.40, 19.10, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
17.55 Болажонлар экрани. «Шарки ва Жорж». 11-қисм.
18.15 «Камалак».
18.30, 20.00, 21.15, 22.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.25 «Авто-news».
19.45 «Жозиба».
20.30 ТТВда сериал: «Ҳозир ёки ҳеч қачон».
21.35 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 15-қисм.
22.55 Кинонигоҳ. «Қаҳрамон».
00.40-00.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.25-16.55
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Вести».
17.15 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
18.20 «Чемпионлар нонуштаси». Бадиий фильм.
20.00 «Время».
20.35 «Талабаларга биноан бекат». Сериал.
21.35 «Ёз гашти».
21.45 Кинематограф. «Йўқолган дунё». Бадиий фильм.
23.10 «Ахборот».
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!

СЕШАНБА, 20

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Умид қалдирғочлари».
9.15 «Қўҳна замин оҳанглари».
9.35 «Рангин дунё».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулк».
10.20 «Арабелла - қароқчи қизи». Бадиий фильм.
11.30 «Талабалик йилларим».
11.55, 16.50 ТВ клип.
12.05 «Париси бор уй».
12.25 «Сиёсат оламида».
12.45 Бокс бўйича халқаро турнир.
13.30 «Оқ йўл!» А.Ибодуллаев.
13.55 15.25 ТВ анонс.
14.10 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
15.10 «Спорт, спорт, спорт».
15.30 «Қалб гавҳари».
15.50 Кундузги сеанс: «Ғаройиб ҳодиса». Бадиий фильм.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.30 «Қалқон».
18.50 «Олтин мерос».
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Шу азиз Ватан барчамизники».
21.25 Бир жуфт кўшиқ.
21.35 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига. «Тараққиёт йўли».
21.55 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.25 Кураш бўйича Ўзбекистон Президенти соврини учун халқаро турнир.
22.55 «Ахборот - дайжест.
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» почтаси.
9.30 «Денгиз итлари». Мультсериал. 1-қисм.
9.55 Ёшлар овози.
10.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 «Эсмеральда». Телесериал.
10.55 Ҳуқуқ ва бурч.
11.15 Болалар экрани: «Фил йўқолди».
12.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Бу менинг Ватаним» туркуми: Жиззах вилояти. Видеофильм.
12.50 Жиззах тароналари.
13.00 Бегойим.
13.20 Интерфутбол.
15.00 Жалолиддин юрган йўлларда.
15.20 Жаҳон жўғрофияси.
16.10 Кўрсатувлар дастури.
16.15 «Янги авлод» студияси: «Ҳар соҳага саёҳат».
16.35 «Денгиз итлари». Мультсериал. 2-қисм.
17.00 Таянч.
17.25 ТВ-анонс.
17.30 Далил ва шарҳ.
17.45 Автопатруль.
18.05 Ёшлар овози.
